
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги: КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ
АНИҚЛАНГАН ЭНГ СЎНГГИ БЕМОР ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИДА ДАВОЛАНМОҚДА**

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси билан зарарланганлар 145 нафарни ташкил қилмоқда. Инфекцияни юктириб олган энг сўнги бемор иккинчи вафот этган марҳум билан мулоқотда бўлган 14 ёшли жияни эканлиги маълум қилинди.

У айти пайтда Қарши шаҳрида жойлашган Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасида даволанмоқда. Беморнинг ҳолати ўрта оғир даражада. Бемор билан мулоқотда бўлган яқинлари ва бошқа фуқаролар саломатлиги ҳам қатъий назоратга олинган.

Эслатиб ўтамиз, айти пайтда яна икки нафар қашқадарёлик бемор пойтахтимиздаги Вирусология илмий текшириш институти клиникасида даволанмоқда.

2020-03-30 13:55:36